

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим Вазирлиги**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси

“Таълим технологиялари” фанидан

R E F E R A T

Мавзу: Муаммоли таълим технологияси

Бажарди: 18-13 гуруҳи талабаси Равшанова Нафиса

Текширди: доц. Мамаражабов Ш.Э.

Тошкент-2015

Муаммоли таълим технологияси

Режа:

- 1. Муаммоли таълимнинг назарий асослари.*
- 2. Муаммоли таълимнинг мақсад ва вазифалари.*
- 3. Муаммоли таълим технологияси воситалари.*
- 4. Муаммоли дарс структураси.*

Муаммоли таълимнинг назарий асослари

Республикамизнинг ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун маънавий салоҳиятимизни ва иқтисодий қудратимизни янада ошириш, уларни XXI аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришни талаб қилади. Бунинг учун ёшларимиз дунёқарабини ўзгартириш, уларнинг билим ва маънавиятларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш зарур.

Бугун жамият мактаб олдида: махсус қобилиятини уларнинг мустақил билишларини мақсадга мувофиқ равишда ривожлантиришни вазифа қилиб қўйди.

Ана шу вазифаларни ҳал этишда муаммоли таълим технологияси етакчи ўринни эгаллайди.

Муаммоли таълим – бу мантикий фикрлаш операцияси (таҳлил, умумлаштириш) ва ўқувчиларнинг изланишли фаолияти қонуниятларини (муаммоли вазият, билишга қизиқиш, эҳтиёж) ҳисобга олиб тузилган таълим ва ўқитишнинг илгари маълум бўлган усулларини қўллаш қоидаларининг янги тизимидир. Шунинг учун ҳам муаммоли таълим кўпроқ ўқувчи фикрлаш қобилиятининг ривожланишини, унинг умумий ривожланиш ва эътиқодининг шаклланишини таъминлайди. Дидактиканинг барча ютуқларини истисно қилмай, балки улардан фойдаланган ҳолда муаммоли таълим илмий билим ва тушунчаларни, дунёкарашни шакллантириш, шахс ва унинг интеллектуал фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида ривожлантирувчи таълим бўлиб қолади.

Дидактикада муаммоли ўқитиш янги йўналиш сифатида XX асрнинг 70-80 йилларида юзага келди.

А.М. Матошкин, Т.В. Кудряшв, М.И.Махмутов, И.Я. Лернерлар муаммоли ўқитиш қонуниятларини чуқур ўргандилар.

Анъанавий дидактика бутун эътиборни ўқитувчи фаолиятига қаратган эди ва таълим жараёни деганда асосан ўқитиш жараёнини кўзда тутган эди. Ўқитиш жараёни етарли ўрганилмас эди, кўпинча ўқувчиларнинг репродуктив фаолияти баён қилинар эди, холос. Ҳозирги замон дидактикаси ўқувчиларнинг мустақил – ўқув – билиш фаолиятига эътиборни кучайтирди.

Муаммоли таълим назарияси ўқувчи интеллектуал кучининг ривожлантирувчи таълимни ташкил қилишнинг психологик – педагогик йўллари ва усулларини тушунтиради.

Муаммоли вазиятларнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ўқувчи фаол фикрлаш фаолиятининг психологик-педагогик қонуниятларини изчил равишда ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш ғоясига олиб келди. Янги педагогик фактларни назарий жиҳатдан мулоҳаза қилиб кўриш асосида муаммоли таълимнинг асосий ғояси аниқланади: муаммоли таълимда билимнинг деярли катта қисми ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, балки ўқувчиларнинг томонидан муаммоли вазият шароитларида мустақил билиш фаолияти жараёнида эгаллаб олинади.

Маълумки, шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишининг муҳим кҳрсатикичи – юқори даражада фикр юритиш қобилиятининг мавжудлигидир. Агар таълим ижодий қобилиятни ривожлантиришга олиб борса, у ҳолда уни сўзнинг замонавий маъносида ривожланувчи таълим деб ҳисоблаш мумкин.


Ривожланувчи таълим деб, яъни умумий ва махсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимни ҳисоблаш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юритишнинг қонуний ривожланишни билимга таянган ҳолда, махсус педагогик воситалар ёрдамида ўз ўқувчиларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга оид мақсадга йўналтирилган иш олиб боради. Бунда таълим, фикримизча, муаммоли таълим ҳисобланади. Муаммоли таълим йўли билан фаоллаштиришнинг мақсади фавқулодда, бетартиб равишда вужудга келадиган фикрлаш оператцияларига

ўргатиш эмас, балки (ўқувчиларни тушунчаларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш) ностереотип масалаларни ҳал қилиш учун ақлий ҳаракат тизимига ўргатишдир. Бу фаоллик шундан иборатки, бунда ўқувчи фактик материалларини таҳлил қилиб, қиёслаб, синтез қилиб, умумлаштириб, конкретлаштириб, ундан ўзига янги ахборот олади.

Бошқача қилиб айтганда, бу илгари ўзлаштирилган ҳамда аввалги билимни янгича қўллаш ёрдамида билимни кенгайтириш чуқурлаштириш демакдир. Аввалги билимларни янгича қўллашни китоб ҳам, ўқитувчи ҳам ўргата олмайди. Бу мавжуд тегишли вазиятда ўқувчи томонидан изланиши ва топилиши лозим. Ўқувчилар томонидан ижодий ақлий ҳаракатлар тизимини аста-секин ўрганилиши кўникма ва малакаларнинг йиғилишига, бундан ҳаракатлар тажрибаси эса ақлий фаолият сифатининг ўзгаришига, одатда, илмий, танқидий, диалектик деб аталадиган махсус типдаги фикрлашни яратишга олиб келади.

Ўқитиш жараёнига муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиш:

1. Ўқув дастури бўйича мавзуларни муаммоли дарс шаклида ўтиш мумкинлигини;
2. Мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, бунда дидактиканинг илмийлик, тизимлилик, мантиқий кетма-кетлик, изчиллик принципларига амал қилиш;
3. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усуллари аниқлаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўллари белгилаш зарур.



- 1) ўқувчиларнинг тушунчалар тизимини ўзлаштиришга оид фаол интеллектуал фикрлаш фаолияти.
- 2) Инсоннинг ҳис-туйғуси ва эмоциясига таъсир этиш, унинг билимини эътиқодга айлантириш.



Ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабати характериға кўра муаммони таълимни ўқув муаммосини топилган усулни амалда қўллаш кўникмаси

Муаммони таълим даражалари	Ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти
Мустақил бўлмаган (одатдаги) фаоллик даражаси	Ўқитувчи тушунтирганини ўқувчи томонидан идрок этилиши муаммони вазиятлар шароитида ақлий меҳнат
Ярим мустақил фаоллик даражаси	Илгариги билимларни янги вазиятларда қўллаш ва ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қўйилган ўқув муаммоларининг ечиш усуллариини излашда иштирок этиш
Мустақил фаоллик даражаси	Репродуктив – изланиш типидаги ишларни бажариш, бунда дарслик матни билан ўқувчининг ўзи ишлайди, илгариги билимларини янги вазиятда қўлланади, конструкцияйди, ўртача мураккабликдаги масалаларни ечади, ўқитувчининг кўмаги билан гипотезаларни исботлайди ва х.к.
Ижодий фаоллик даражаси	Ижодий тасаввурни талаб этувчи, мантиқий таҳлил қилиш ва ўйлаб топишни, ўқув муаммоларини ечишнинг янги усуллариини кашф этишни, мустақил исботлашни: мустақил хулоса ва умумлашмалар

чиқаришни, кашфиёт ва бадиий иншолар ёзишни талаб қиладиган мустақил ишларни бажариш
--

Муаммоли таълимни тадқиқот методи билан айнан бир нарса деб эмас, балки ўқувчи тафаккури ва унинг хотирасининг ривожланишини таъминлайдиган, билимларни ижодий ўзлаштиришига, илмий фактларни жамлашга қўмаклашадиган ҳамда эътиқодни таркиб топтирадиган таълимнинг бир тури деб қараш лозим.

Муаммоли таълим ҳамма ўқувчилар бопми? Амалда деярли ҳамма учун тушунарли. Бироқ муаммолилик савияси ва мустақил билиш даражаси ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, уларнинг муаммоли таълим технологияси билан ўқитилганлик даражасига қараб фарқланади.



Муаммоли таълим – ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур вазиятга ўқувчиларнинг фаол иштироки билан, кўникма ва билимларни ривожлантиришга қўмаклашадиган таълимнинг муваффақияти куйидаги омилларга боғлиқ:

1. Ўқув материални муаммолаштириш;
2. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;

3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;
4. Ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
5. Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда ўқувчиларга баён этиш.

Муаммоли методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўқувчиларнинг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини фикр юритишнинг мантиқий операциялари: таҳлил, синтез, таққослаш, аналогия, умумлаштириш, таснифлаш ва хулоса ясашга йўналтиради.

Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларда: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Муаммоли дарсларда ўқитувчининг фаолияти, аввало мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, ўқувчилар олдида ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш, дарсда мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, ўқувчилар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат бўлади.


Ўқувчиларнинг фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий, мантиқий нуқтаи назардан асослаш, тахминларни текшириш ва улоса чиқаришдан иборат бўлади.

Муаммоли дарс структураси

Структура – бу бутун предмет, ҳодиса, жараён томонлари, қисмлари, элементларининг мустаҳкам, нисбатан барқарор алақаси (муносабати) ва ўзаро ҳамкорлигидир.

Замонавий муаммоли дарс структурасида унинг типи ва туридан қатъи назар ҳар хил даражада ҳал қилинадиган учта умумлашган дидактик масалани кўрамиз:


- 1) ўқувчилар олдинги билимлари ва ҳаракат усулларини ўзлаштириш.
- 2) янги билимлар ва ҳаракат усулларини ўзлаштириш.
- 3) кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.




Дидактикада муаммоли дасрларни муаммоли вазиятларнинг типига қараб характерлашга оид тадқиқотлар мавжуд. Шу ўринда Г.В.Артёмова ўз изланишлари асосида муаммоларни дасрларни ташкил этишнинг бир неча вариантларини таклиф этади.

- Булар:
1. Версия характеридаги даср.
 2. Қиёсий-умумлаштириш характеридаги даср.
 3. Маънавий-ахлоқий муаммоли даср.

Версия характеридаги даср структураси



Қиёсий-умумлаштириш характеридаги даср структураси



Дарснинг дидактика ва мантиқий-психологик структураси ўқитувчига назария сифатида, дарсни ташкил қилишнинг умумий қоидаларини тушунтириш

сифатида берилади. Методик структурани ўқитувчи ўзи ўқув материалнинг мазмуни, дидактик мақсади ва ўқувчиларнинг ўқишга бўлган тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб тузади. Унинг ижоди, санъати, унинг такрорланмас индивидуаллиги ана шунда.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида– Т.: «Ўзбекистон» 2011 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. – Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» - Тошкент, 1997.
4. Баркамол авлод орзуси (Президент И.Каримовнинг нутқлари, рисоалари асосида). Тузувчилар: Ш.Курбонов, Х.Саидов, Р.Аслиддинов. – Тошкент, «Шарк» манбаи концерни, 1999 йил.
- 5.Зарипов К. Янги педагогик технологияни тадбиқ этиш босқичлари. – «Халқ таълими», 1997 4-сон, 4-12 бетлар.
- 6.Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси – Тошкент, 2000
- 7.Азизхўжаева Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар (Реклама - режалар). – Тошкент, 2002
- 8.Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. – «Халқ таълими», 1999 6-сон 28-31 бетлар.
- 9.Очилов М. Ўқитиш методи – педагогик технологиянинг асосий компоненти – «Халқ таълими», 1999 6-сон 32-35 бетлар.
- 10.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши «Насаф», 2000
- 11.Розиков О., Огаев С., Махмудов А., Адизов Б. Таълим технологияси. – Тошкент «Ўқитувчи» 1999 й.

12. Сайидахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Тошкент, 2003
13. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги. – «Халқ таълими» журнали, 1999 5-сон
14. Сайидахмедов Н.С., Очилов А., Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси.- РТМ, 2000 55-бет